

# ШАРТНОМА

№ 11

Тошкент тумани  
Келес шаҳри

2022 йил « 1 » Январ

Кейинги уринларда «Дехкон бозори» деб номланувчи «Тошкент тумани дехкон бозори» масъулияти чекланган жамияти номидан Низом асосида иш юритувчи директор Б.М.Усмонов бир томондан ва кейинги уринларда «Тадбиркор» деб номланувчи АТБ Микрокредит Бошқарувчиси И А Абдукодиров \_\_\_\_\_ иккинчи томондан ушбу шартномани куйидагилар хақида туздик:

## 1.Шартнома предмети

1.1.«Дехкон бозори» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 28-августдаги «Бозорлар ва савдо комплекслари фаолиятини тартибга солишга доир қушимча чора-тадбирлари тугрисида»ги 253- сонли қарори,2004-йил 12-августдаги 387-сонли,2004-йил 2-сентябрдаги 413-сонли қарорлари талаблари асосида бозор инфраструктурасини ривожлантириш учун Келес шаҳар, Келес дехкон бозори атрофидаги умумий ер майдони 2,0 кв.м булган жойни Тадбиркорга ижарага беради.

## II.Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

### 2.1. «Дехкон бозори» куйидаги ҳуқуқларга эга:

- Бозор инфраструктураси ва Тадбиркорга ижарага берилган ер майдонини тегишли тартибда сақлаш ишларини бажариш усуллари мустақил белгилаш;
- Шартнома буйича Тадбиркор томонидан мажбуриятларини бажариллиши устидан назоратни амалга ошириш;

### 2.2. «Дехкон бозори» куйидагиларга мажбур:

- Тадбиркорни йигим пули микдорининг узгариши хақида уз вақтида хабардор қилиш; Тадбиркорга «Дехкон бозори»нинг ер участкасидан фойдаланиш қоидалари хақида маълумот бериш.

### 2.3.Тадбиркор куйидаги ҳуқуқларга эга:

Ижарага олинган ердан фойдаланиш ;

- «Дехкон бозори» мулкнинг айрим қисмларига ёки ер участкасига бозор раҳбарияти рухсатисиз узгартириш қиритмаслик.

### 2.4.Тадбиркор куйидагиларга мажбур:

- Жойда факат рухсат этилган товарлар билан амалдаги қонунчиликка ва санитария талабларига риоя қилган ҳолда савдо қилиш ,тиббий қуриқдан утиш,бежик тақиш факат патентда қурсатилган шахслар савдо қилиш ;
- Ёнгина қарши ут учириш воситаларини доим тайёр туришини таъминлаш,санитар нормаларига риоя қилиш,проектда қурсатилган электр энергиясидан фойдаланиш қушимча разетка ва электр лопочкалари қуймаслик;
- Коммунал хизматлардан (электр энергиядан) фойдаланганликлари учун шартнома асосида урнатилган улчагичлар қурсатқичига биноан ҳақ тулаш ;
- Хар ойлик йигим пуллари уз вақтида тулаш;
- Ижарага олинган ер майдонини сақланишини таъминлаш, бошқа қишига ижарага бермаслик;
- Сотилган олинган маҳсулотлар яъни гушт маҳсулотларининг қушхонада суйилган буллиши ветеринария лабораториясидан утганлиги.
- Хақиқий яшаб турган манзили узгаргани ва алоқа боғланиш хақида маълумотларни уз вақтида бериш;

## III.Мажбурий туловлар микдори ва уларни тулаш тартиби

3.1.Тадбиркор тургун савдо шаҳобчаси учун Вилоят ҳокимининг 2019 йил 30декабр январдаги 871-сонли қарори асосида умумий харажатлар буйича ойига 1 кв.м. учун 44000 сумдан 15% ККС қушилган ҳолда 50600 сумдан 2,0 кв.м.га хар ойда олдиндан жамми 101200 ( Бир юз бир минг икки юз) сум микдорида йигим пулини тулаб бериши шарт.

3.2.Тадбиркор узининг хар ойлик мажбурий туловларини жорий ойнинг 10-санасидан қечиктирмай «Дехкон бозори»нинг ҳисоб рақамига туловнома асосида тулаши шарт.

3.3 Йигим микдори узгарганда ижара хақи қайта ҳисобланади .

## 1У.Томонларнинг жавобгарлиги

4.1.Шартнома шартларига кура ва конун ҳужжатларига мувофиқ томонлар у зиммасига олган мажбуриятларини бажармаганлик учун моддий жавобгардир.

4.2.Барча турдаги зарарлар ёки зиёнлар «Дехкон бозори» ходимларининг нотугри хатти-ҳаракати туфайли юзага келмаган бўлса, «Дехкон бозори» ушбу ҳолатлар юзасидан жавобгар эмас.

4.3. «Дехкон бозори» ёки ихтисослаштирилган ташкилот вакилига куздан кечириниш ва хизмат курсатиш, таъмирлаш ишларини бажариш учун дуконга киришга йул куймаган тадбиркор бунинг натижасида қурилган зарар учун узи шахсий жавобгар бўлади.

4.4. Ушбу шартномада кузда тугилган туловларни тулаш муддати бузилган тақдирда тадбиркор ҳар бир кечиктирилган кун учун кечиккан сумманинг 5 фойизи микдорида (жаъми кечиккан сумманинг 20 фойизидан ошмаган микдорда) пеня тулайди.

4.5. Дукондан фойдаланмаслик тадбиркорни ушбу шартнома буйича мажбуриятларини бажаришдан озод этмайди.

4.6. Томонлар бартараф этиб бўлмайдиган вазиятлар (форс-мажор) оқибатида ушбу шартнома буйича мажбуриятларни қисман ёки тулик бажармаганлик учун жавобгарликдан озод этилади.

## У. Низоларни ҳал этиш тартиби

5.1. Ушбу шартнома шартларини бажариш буйича барча эътирозларни томонлар ёзма тарзда расмийлаштириш ва шахсан ваколатли шахсга тилхат орқали топшириши ёки иккинчи томонга буюртма хат орқали етказиши керак.

5.2. Ушбу шартнома буйича томонлар уртасидаги низолар тадбиркор билан «Дехкон бозори» раҳбарияти уртасидаги музокаралар йули билан ҳал қилинади, келишувга эришилмаса конун ҳужжатларида белгиланган тартибда судда ҳал қилинади.

## У1. Шартноманинг амал қилиш муддати, шартномани узгартириш ва тухтатиш

6.1. Ушбу шартнома 2022 йил « 1 » Январдан 2022 йил « 31 » Мартгача муддатга тузилди.

6.2. Томонлардан бири шартнома шартларини узгартириш буйича ариза бермаган тақдирда унинг амал қилиш муддати шартномада белгиланган муддат ва уша шартлар буйича узайтирилган ҳисобланади. (ҳар йили белгиланадиган мажбурий туловлар микдори бундан мустасно).

6.3. Томонлар узаро келишувга биноан ушбу шартнома конун ҳужжатлари талабларига зид бўлмаган узгартиришлар киритиш ҳуқуқига эга.

6.4. Томонларнинг ушбу шартномага киритиладиган узгартириш ва қушимчалар тугрисидаги битими шартнома каби ёзма шаклда расмийлаштирилади.

6.5. Шартнома муддатидан олдин тугаган тақдирда ёки форс-мажор ҳолатлари юзага келган пайтда шартнома муддатидан олдин бекор қилиниши мумкин.

## УП. Бошқа шартлар

7. Шартнома имзоланган кундан бошлаб тузилган ҳисобланувчи бир хил юридик кучга эга бўлган икки нусхада тузилган, бир нусхадан «Дехкон бозори» да ва тадбиркорда сақланади.

## УШ. Томонларнинг юридик манзиллари ва имзолари

«Тошкент тумани дехкон бозори»МЧЖ	« АТБ Микрокредитбанк»	
Тошкент тумани, Келес ш.юкор ,Кук терак	Тошкент тумани, Келес шах бунедкор 8	
Х/р 2020 8000 4008 7003 8001	Х/р 1610 3000 9000 0047 0001	
АТБ Микрокредит Келес ф-ли,МФО 00470	АТБ Микрокредитбанк	
ИНН 305479910 ,ОКОНХ 68201	ИНН 200 580 761 ,ОКОНХ 64190	
Тел.96-56776(0-370)	Телефон 911505826	
Директор .Б.Усмонов	Бошқарувчи ИА Абуходиров	Имзо

